

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил  
19 ноябрь,  
жума  
№ 47 (872)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**18 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳуқуқат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Дастлаб сенаторлар томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Мажлисда ўтган икки йил мобайнида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг "Меҳнат ҳавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашувчи асослар тўғрисида"ги конвенцияси ва БМТнинг "Ногирон-

лар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси ратификация қилинди.

Бундан ташқари, сенаторлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинганини таъкидладилар.

Ушбу ҳужжатда қийноқларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан жамоат гуруҳларини ташкил этиш бўйича бир қатор нормалар белгиланган, жумладан, уларнинг жавобгарлиги, қийноқдан жабр кўрганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш аниқ белгилаб кўйилган.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳуқуқларини тиклаш, барча соҳаларда тенглик тамойилини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ўз навбатида, Олий Мажлиси Сена-

ти томонидан "Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси" ишлаб чиқилди ва маъқулланди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътирофи сифатида мамлакатимиз биринчи марта БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига уч йиллик муддатга (2021-2023) сайланди.

Шу билан бирга, сенаторлар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ҳали ҳал этилмаган масалалар мавжудлигини таъкидладилар.

Хозирга қадар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим ва кўникмалари ҳали етарли даражада шаклланмаган. Бу аса амалиётга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни кечиктириб бажариш ёки нотўғри ижро этиш ҳолатлари сенаторлар диққат марказида бўлди. Мисол учун, назарда тутилган 46 та банднинг 11 та банди бўйича тадбирлар амалга оширилмаган.

Бундан ташқари, сенаторлар Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари Қўшма қарори билан маъқулланган БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва ўқитиш тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" лозим да-

ражада бажарилмаётганига эътибор қаратдилар.

Ялпи мажлисда ҳар томонлама ва очиқ муҳокама яқунлари бўйича тегишли вазирлик ва идораларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди. Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлиси Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар.

Унда айтилишича, Вазирлар Маҳкамасининг 804-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жорий йил бошидан бугунги кунгача сув таъминоти корхоналари томонидан хорижий кредитлар бўйича 139,3 миллиард сўмлик мажбуриятлар бажарилган. Жами 1 729 та объектда қурилиш ишлари олиб борилиб, 20 363,6 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилган ҳамда реконструкция қилинган.

Ичимлик суви таъминоти объекларини қуриш ва реконструкция қилишни назоратга олиш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан "Smart qurilish" электрон платформаси орқали "онлайн" режимда назорат ишлари олиб борилаётгани, соҳада коррупциянинг олдини олиш ва тендер савдолари жараёнида шафдофликни таъминлаш мақсадида комплаенс тизими жорий этилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига қайта сайланганидан сўнг Россияга бўлажак илк ташири арасида ЎзА мухбири Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фахруллоҳда ва мухтор элчиси Олег МАЛЬГИНОВ билан икки томонлама ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари, устувор ва келгуси йўналишлари ҳақида суҳбатлашди.

## Олег МАЛЬГИНОВ: ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

— Олег Сергеевич, руҳсатингиз билан суҳбатимизни Ўзбекистон — Россия муносабатларининг жорий ҳолати, сўнги 5 йил мобайнидаги ривожланиш даражаси ҳақидаги фикрлардан бошласак.

— Албатта, бу жуда кенг қамровли мавзу. Айтиш керак, менинг кўп йиллик дипломатик фаолиятим давомида икки давлат ўртасидаги бундай сермазмун ўзаро муносабатни камдан-кам учратганман. Россия ва Ўзбекистон, деярли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайт кўплаб келишувлар амалга оширилмоқда ва ҳамкорлик юқори суръатдаги фаоллашув босқичида.

Ўзаро муносабатларнинг жадал юқалиши, бойиб бориши сўнги беш йилда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига сайлангандан сўнг юзгага келди. Шавкат Мирзиёев учун Россия билан муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлардан биридир. Мамлакат етакчиси яқинда бўлиб ўтган инаугурация маросимидаги нутқида ҳам бундай алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси учун Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги истиқболли ва муҳим шерик ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолиси сони энг кўп давлат сифатида минтақада ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб биламиз. Мамлакат демографик ўсиш бўйича улкан салоҳиятга эга. Бу ерда ёшлар кўпчилигини ташкил этади, улар фаол ва мунтазам олға интиломоқда.

Ўзбекистон ҳавфсизлик, экология ва бошқа кўплаб муҳим масалаларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатимиз ҳамisha ўзаро ҳурмат руҳини ёқлаган. Биз миллатлараро ва динлараро адоватдан йироқмиз. Алоқалар фаоллашуви бой тарих ва улкан маданий яқинликка асосланган. Тўғри, биз ҳар биримиз

ўзимизча мустақил, турлича, чуқур ўтмишда шаклланган халқлармиз, бироқ биз бир-биримизга яқинмиз. Шу боис, ҳозир ўзаро муносабатларимиз янада ривожланмоқда. Албатта, бунинг омилларидан бири — Президентларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч асосига қурилган муносабатдир. Таълим, савдо, sanoat ишлаб чиқариши соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик илчил ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасида маданий алоқалар йўлга қўйилган.

— Маълумки, Россия ва Ўзбекистон — ишончли, вақт синовидан ўтган дўст, иттифоқчи ва стратегик шериклар, бундан сиз ҳам ҳозирги таъкидладингиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз кўплаб йўналишларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сизнингча, томонлар кўпроқ қайси соҳа ва тармоқларни устувор ёки муҳимроқ, деб қарамоқда ва нима учун?

— Биз халқаро вазиятни ривожлантириш бўйича бир хил стратегик қарашга эгамиз. Шу нуқтаи назардан, сиёсий йўналишдаги шериклик устувор аҳамият касб этади.

Икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказилган, жумладан, МДХ ва ШХТ доирасида ҳам. Ўзбекистон ШХТ раислигини қабул қилди, энди биз бу йўналишда ҳам янада яқин ва самарали ҳамкорлик қиламиз. Ташкилот янада ривож топиб, нафақат ўз доирасида, балки ташқаридидаги вазиятга ҳам барқарор таъсир кўрсатишига умид қиламиз.

Мамлакатларимиз БМТ доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кўплаб маслаҳатлашувлар, икки томонлама учрашувлар ўтказилмоқда. Дунёнинг деярли барча давлатлари БМТга аъзолиги ҳамда универсал стандарт ва тамойиллар тузилма асосини ташкил этгани боис, ушбу ташкилот етакчи роль ўйнашда давом этиши керак, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 3-бетда) ▶

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

## Ватанамиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи

"Жонажон Ватанамиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий ишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман".

Бу сўзлар — давлатимиз раҳбари жорий йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг лавозимига киришишига бағишланган қўшма мажлисида сўзлаган нутқидан иқтибос.

Бу сўзлар — Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида эзгу ниятлар билан қадам қўяётган меҳнатқаш ва бағрикенг халқимиз ҳурлиги, шаъни, кадр-қиммати тимсолларига юксак ҳурмат ифодаси.

Бу сўзлар — мустақил давлатимиз суверенитетининг асосий белгиларини эъозлашнинг ёрқин намунаси.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ана шундай эъоз ва эътирофга муносиб давлат рамзидир.



Жорий йил 18 ноябрь куни мустақил ва жонажон Ўзбекистонимизнинг Давлат байроғи қабул қилинганига 30 йил тўлди.

Байроқ — давлатнинг тузуми, шу давлатда яшовчи

халқнинг табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англайдиган герб, мадҳия, миллий валюта каби энг муҳим тимсоллардан бири. Тарихий манбаларга қараганда,



мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлиги ифодаси ҳисобланувчи бу рамзларни яратиш гоёси илк бор минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида тугилган.

Дастлабки байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ясалган. Кейинчалик байроқларда турли жонзотлар тасвирини акс эттириш аънаанага айланган. Шу тарихий байроқ давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланишнинг узок тарихий йўлини босиб ўтган.

Хозирги даврда давлат байроғининг аҳамияти айниқса, юксак ҳисобланади. Чунки халқларнинг мустақиллик учун кураши ва бу йўлда

эришган ғалабаси тимсоллари, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида ҳам ўз аксини топмоқда.

Башарият тарихининг барча даврларида барча халқлар учун ўз давлат рамзлари, хусусан, давлат байроғи Ватан ва истиқлол тимсоли сифатида азиз ҳамда муқаддас саналган. Шу маънода Ўзбекистонда — ҳали собиқ иттифоқ, унинг қуч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган бир пайтда — 1990 йил март ойидаёқ давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилингани алоҳида эътиборга сазовор.

(Давоми 4-бетда) ▶

Маълумки, Бош қомусимизнинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суг орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирашмаларининг вайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" дея қайд этилган.

Бурч ва масъулият

## Фермернинг қонуний манфаати

судда кафолатли ҳимоя қилинди

Эътироф этиш керакки мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, айни пайтда ушбу конституциявий қоида ҳар бир суд мажлисида ўзининг ёрқин ифодасини

топмоқда. Мисол учун Ўзбекистон туманидаги "Мухаммадкамолов Гулбаҳрон Одибек" фермер хўжалиги раҳбари Муяссархон Усмонова ҳам ўзининг бузилган ҳуқуқини суд орқали тиклашига муваф-

фақ бўлди. Ҳўш, аслида қандай воқеа рўй берганди? Фермер хўжалиги раҳбари нега судга мурожаат қилди? Гап шундаки, 2019 йил 30 январда Ўзбекистон тумани ҳокимининг 344/87-сонли



қарор билан "А.Ниёзов" муқобил машина-трактор парки худудидидаги, ҳокимлик захирасида турган 94,4 гектар ер майдони фермер хўжалигига ажратиб берилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

## Кучли ва профессионал парламент

Янги Ўзбекистоннинг таянчи ҳисобланади

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, олдинги беш йиллик бошида ишлаб чиқилган ва амалиётга самарали жорий этилган муҳим дастурий ҳужжат — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида тўхталиш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, давлат бошқаруви ни номарказлаштириш, иқти-

содиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ҳамда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва мақбул фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда) ▶



Олег МАЛЬГИНОВ:

ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Биз ЕХТ доирасида ҳам ўзаро ҳамкорлик, Ўзбекистон Евро...

истикболли лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар рўйхати мунтазам кенгайиб...

Шунингдек, солиқ, божхона тизими каби алоҳида тармоқлар бўйича ҳам ҳамкорлигимиз бор.

Албатта, бизнинг маданият соҳасидаги ҳамкорлигимиз ҳам юксак даражада. Яқинда Ўзбекистонда Россия Федерацияси маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўрта ва мактабгача таълим соҳаларида ҳамкорлик асосида рус тилини ўқитиш сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Албатта, икки томонлама ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишларини битта суҳбатда санаб ўтиш қийин. Масалан, бизнинг архив хизмати, Жаҳон савдо ташкилоти, Куролли кучлар ва спорт йўналиши бўйича алоқаларимиз яхши ривожланган.

— Элчи жаноблари, бутун дунё давлатлари сингари мамлакатларимиз ҳам корона...

— Пандемия, бир томондан, кутилмаган ҳодиса бўлиб, биз ўзаро ҳамкорлик қилишимиз ва турли факулдада вазиятларга тайёр туришимиз керак бўлган соҳалар борлигини кўрсатди.

— Олег Сергеевич, бундай маъсулиятли лавозимга тайинланишдан олдин қандай Ўзбекистон билан сандай алоқалар боғлаб турган ва шу қисқа давр ичида юрти...

— Мен 42 йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Бу менинг элчи сифатидаги сўнги хизмат сафарим бўлиши мумкин. Мен сўнги хизмат сафари учун жойни ўзим танладим, аниқроғи, Тошкентга келишни жуда даям хоҳладим.

— Пандемия туфайли юза-

га келган қийинчиликларга қарамай, Президентлар ўртасидаги мулоқот ҳар доимгидек ишончли ва очиқ бўлади. Бу мулоқот барча муаммоларни, жумладан, жаҳондаги ҳозирги вазиятни ҳам қамраб олади. Бу борада зиддият кучаймоқда, хусусан, Россия Федерацияси ўзининг фарбий чегарасидаги зиддиятларга эътибор қаратмоқда.

— Олег Сергеевич, бундай маъсулиятли лавозимга тайинланишдан олдин қандай Ўзбекистон билан сандай алоқалар боғлаб турган ва шу қисқа давр ичида юрти...

— Мен 42 йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Бу менинг элчи сифатидаги сўнги хизмат сафарим бўлиши мумкин. Мен сўнги хизмат сафари учун жойни ўзим танладим, аниқроғи, Тошкентга келишни жуда даям хоҳладим.

стон билан ҳам дуч келганман. Ҳиндистонда буюк салтанат барпо этган Бобур Андижонда туғилиб ўсган. Ўзбекистонда асрлар мобайнида шаклланган цивилизация манбалари ҳам менга таниш. Мен Шарқни — донишмандлик, улкан ва бой маданий мерос макони, келажакни кенг қамровли кўра олувчи инсонлар яшайдиган юрт, деб ҳисоблайман.


— Олег Сергеевич, сержантнинг сўнгги кунларидаги қандайдир ҳақиқатларни сиз билан бўлажак келиши учрашуви сизнинг билан қутиб қоламиз.

— Олег Сергеевич, сержантнинг сўнгги кунларидаги қандайдир ҳақиқатларни сиз билан бўлажак келиши учрашуви сизнинг билан қутиб қоламиз.

Бурч ва маъсулият

Фермернинг қонуний манфаати

судда қафолатли ҳимоя қилинди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада Муяссархон опа астойдил ишга киришади. Яъни ернинг "тилини топиб", ундан шартномавий режада белгиланган ҳосилни ола бошлайди.

Аммо орадан 2 йил ўтиб, 2021 йил 30 мартда туман ҳокимининг 217-сонли қарори қабул қилиниб, ҳўжаликнинг 75,9 гектар ери ҳам туман захирасига қайтариб олинди.

Суд жараёнида аён бўлдики, юқоридаги қарорнинг қабул қилинишида фермернинг розилиги олинмаган, ҳатто унга бу ҳақида хабар ҳам берилмаган.

ни ўз имзолари билан тасдиқлашган. Бироқ 2021 йил 26 февралда имзоланган туман ҳокимининг 175-сонли қарори мувофиқ, юқоридаги 2688-сонли қарор бекор қилинган.

Гап шундаки, Бағдод тумани ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги 175-сонли қарори туман прокуратурасининг 2021 йил 18 февралдаги протестига асосан қабул қилинган.

Гап шундаки, Бағдод тумани ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги 175-сонли қарори туман прокуратурасининг 2021 йил 18 февралдаги протестига асосан қабул қилинган.

Гап шундаки, Бағдод тумани ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги 175-сонли қарори туман прокуратурасининг 2021 йил 18 февралдаги протестига асосан қабул қилинган.

Ҳаётда амалдаги қонуналар талабига қатъий риоя этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

Сабок

Қонунга белисанд муносабат

асло кеширилмайди

Аксинча, қонунга белисанд муносабатда бўлиш, унинг талабларини бажармаслик ҳеч қачон исзис кетмайди. Хусусан, хизмат вазифасига бажарётган ҳокимият вакилининг қонуний талабини бажармаслик, унинг фаолиятига қаршилик кўрсатиш тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

ди Норбек. — Ёрдамингиз керак, — деди Сирожиддин ташвишли овозда. — Профилактика инспектори менга нисбатан маъмурий баённома тuzмоқчи бўляпти.

га маъмурий баённома расмийлаштирмаган. Шу ўринда воқеа тафсилотини баътафсил баён қиладиган бўлсак, туман Ички ишлар бўлими бошлигининг шу йил 7 июнь кунги қарорига кўра, профилактика инспектори А.Бурҳонов биринчи ҳудуд бўйича 11 та маҳаллага ҳаммаси Ф.Пўлатов билан тунги хизматта бириктирилган.

ДЕБ КЎЗ ЧИҚАРИШ

Жуда қимматга тушди

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги "Ёнгин хавфсизлиги қондаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 649-сонли қарори 86-бандида "Ҳаво шарларини ва шунга ўхшаш бошқа буюмларни тўлдирши (шишириш) учун ёнғичи газлардан фойдаланиш таъқиқланади" деб қатъий бел...

пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташини, жўнатиш қондаларини бузиш, баданга ўрталаниш оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлишида ифода-ланган жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 250-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топди.

Судланувчига нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ икромлиги, қилимишдан чин кўнгилдан сўшаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, талаба эканлиги, оилада ягона боқувчилигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Унинг ҳаракатида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас, деб ҳисоблади.

Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 5-бандига амал қилди. Негаки, ушбу бандда "Судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тазитилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак", деб раҳбарий тушунтириш берилган.

роҳиддин ўтирганида. А.Бурҳонов уларга ўзини таништириб, С.Шермаматовдан тунги дам олиш вақтида бу ерда қандай мақсадда ўтиргани, ҳужжатлари бор-йўқлигини сўрайди.

Сирожиддин автомашинани бошқариш билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим қилмади. Бунинг устига уларнинг шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти ҳам йўқ эди.

Шундан сўнг А.Бурҳонов С.Шермаматовга автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз бошқаргани ҳолати бўйича ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш учун ЙПХ ходимларини чақиритишни билдиради. Кейин эса, у С.Шермаматов ва унинг шерикларига тунги вақтда мақсадсиз, амалдаги карантин қоидаларини бузиб, никоҳ тақмасдан ўтиришлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштиришни бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, судланувчи Д.Раҳмонқуловнинг қилмиши қош қўяман, деб кўз чиқаришга ўхшайди. Амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик оқибати жаҳрланувчига ҳам, судланувчига ҳам, гувоҳи бўлганингиздек, жуда қимматга тушди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 12-моддасида "Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки широкташнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин" дея қайд этилган.

Шу ўринда иккинчи миқдорда эътибор қаратсак, Бағдод туманининг Матқулбод қишлоғида яшовчи Мўминжон Тошқўзиев ҳам қонун кўмағига таяниб, ўз муаммосига ечим топди. Аниқланишича, Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умум-давлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонида Бағдод туман ҳокимининг 2688-сонли қарори қабул қилиниб, М.Тошқўзиевнинг ўзи истиқомат қилаётган ҳовли-жойи ва бино-иншоотларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилган.

Уш пайтда ҳовли-жойга нисбатан кадастр ҳужжатларини тайёрлашда унинг қўшилари К. Арақулов ва А.Қурбоновлар эътирозлари йўқлигини билдирган ҳолда кадастр йиғма жи...

Юристинг тўғрисида"ги кодекснинг 4-моддасига мувофиқ, ҳар бир манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки инзоллашавган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли. Шу боис М.Тошқўзиев ишончли вакили Д.Мўминов билан бирга Фарғона туманларо маъмурий судига мурожаат қилиб, Бағдод туман ҳокимининг 2021 йил 26 февралдаги 175-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради.

"Маъмурий тартиб-таомилларнинг 19-моддасига кўра, маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига но-мувофиқлик маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқишига олиб келади. Бинобарин, суд М.Тошқўзиевнинг аризасини қаноатлантириб, туман ҳокимининг тилга олинган қарорини ҳақиқий эмас, деб топди.

Шу ўринда таассуф билан қайд этиш жоизки, қонун талабига тўлиқ риоя этмай қарор қабул қилиш каби ҳолатлар кундалик ҳаётимизда ҳали-хануз учраб турибди. Шунинг учун Фарғона туманларо маъмурий суди томонидан ўтказилаётган сайёр суд мажлисларида ҳамда прокуратура, жиноят, фуқаролик ишлари бўйича судлар учун Фарғона туманларо иқтисодий суди билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришлар, уларнинг мазмун-моҳияти хусусида батафсил тушунчалар бериб берилмоқда. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда тароққийёт ҳам бардавом бўлади.

Солижон ҚУРБОНОВ, Фарғона туманларо маъмурий судининг раиси

ХАҚРАМОН ХОЛМУРОДОВ, Жиззах вилояти судининг судьяси

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

# Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилгани бу борадаги изчил изланишларга янги куч ва илҳом бағишлади. Натигада мамлакат парламенти 1991 йил 18 ноябрда давлатимиз суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тасдиқлади. Шу кунни "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида" ги қонун қабул қилинди.



Давлат байроғи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий мақомга кўтарилди. Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга", деган меъёр мустақамланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида" ги қонуннинг 4-моддасида белгилангани кунининг, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир". Бунда:

мовий ранг — юртимиздаги барча миллатлар турли хил ҳаф-хатарлардан холи, эмин-эркин ҳолда аҳил-иноқ яшаб келаётган мусоффо осмонимиз ҳамда оби ҳаёт рамзи; оқ ранг — давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжихатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағри-

кенглик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаётганининг тимсоли; яшил ранг — табиатнинг янгила-ниши ҳамда она-юртимизнинг бепо-ён еру серҳосил далаларининг ифо-дасидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган. Ушбу тасвирлар ҳам халқимизнинг азалий қадриятла-рига асосланган муҳим тимсоллар сирасига киради.

Давлат байроғини кўтариш билан

боғлиқ тартиб-қоидалар "Ўзбеки-стон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида" ги қонунда бел-гиланган. Шуни ҳам айтиш керакки, Давлат байроғи халқро майдонда: мамлакатимиз расмий делегацияла-рининг хорижий мамлакатларга са-фарлари чоғида, халқро ташкилот-ларда, анжуманларда, жаҳон кўрга-маларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тим-соли ҳисобланади.

Шу ўринда мамлакатимиз спортчи-лари бундан 25 йил муқаддам илк бор Ўзбекистон Республикаси Дав-лат байроғи остида мустақил жамоа сифатида олимпия ўйинларида иш-

тирок этганини қайд этиш лозим. Жорий йилнинг айни пайтига қадар эса, юртимиз байроғи халқро спорт майдонларида қарийб 430 мартаба баланд кўтарилди.

Қонун талабига мувофиқ, Давлат байроғини ўрнатишнинг аниқ тар-тиб-қоидаи бор. Давлат байроғи: - биноларнинг асосий кириш жойи-да ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда;

- тегишли тутқичи бўлган даста-да;

- флагштоқда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи би-лан 45 градусли бурчак ҳосил қила-диган тарзда ўрнатилади.

Бунда Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан камида 2,5 метр баланд-ликда бўлиши керак.

Давлат байроғини ҳурмат қилиш-да фуқароларнинг зиммасига муай-ян мажбурият юкланади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шу-нингдек, Ўзбекистонда чет эл фуқар-олари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Давлат байроғини ҳур-мат қилишлари шарт.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги рамзи ва Ватанимиз тимсоли — Дав-лат байроғи ўзида ўзбек халқининг асрий орзу-истаклари, шон-шарафи ва халқимизга хос меҳмондўстлики мужассам этган. Шу боис у барчамиз-нинг фахр-ифтихоримиз ифодаси-дир.


Янада муҳими, Ватан байроғини асраб-авайлаш, Ватанини севиш, унинг учун жонни фидо қилишга тай-ёр бўлиш ҳар биримизнинг энг олий вазифамиздир.

Ойдин ИБРОХИМОВА, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Матбуот хизмати ходими

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, ҳозирги пайтда ер юзига тахминан 5621 та тил ва шева мавжуд. Бироқ бу тилларнинг фақат 500 тасигина илмий асосда ўрганилган, холос. Масалан, Ҳимолайда 160, Африканинг Нигер дарёси ҳавзасига 280 та тил мавжуд бўлса, Янги Гвинеядаги Папуа давлати бу борада етакчи саналади. У ерда аҳоли 1010 хилдаги тил ва шевага сўзлашади.

### Қизиқарли фактлар

## Дунёда нечта тил бор?



Бундан ташқари дунёдаги тилларнинг ҳар уч тилдан биттасида ёзув бўлиб, қолган фақат оғзаки нутқ шаклига эга.

Айни чоғда 1400 та тил йўқолиб кетиш арафасида. Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан муқаммал шаклланиб бўлган. Уларнинг орасида ўзбек тили ҳам бор.

Дунёдаги сўз жиҳатдан энг бадавлати араб ва инглиз тилларидир. Инглизларнинг лугат бойлигида икки ярим миллиондан зиёд, араб тилида уч ярим миллиондан ортиқ сўз бор. Албатта, бу маълуотлар аниқ ва муқаммалликдан йироқ бўлиб, ижтимоий соҳалар бўйича нисбий ҳисоб-китобларга асосланган.

Тилшунослик фанидан маълумки, қайси тилда "синоним" — "маънодош" сўзлар кўп бўлса, ўша тил энг бой тил ҳисобланади. Қолаверса, қайси тилда "омоним" — "шаклдош" сўзлар кўп учраса, ўша тил энг камбағал тиллар сирасига киради. Масалан, шимолӣ кутубда яшайдиган эскимос қабиласига мансуб миллат тилида "қор" сўзининг йиғирма хил, араб тилида "чўл" сўзининг юздан ортиқ шакли учрайди. Энг кўп синоним сўзлар араб тилида мавжуд.

Дунёдаги энг камбағал тил Африканинг Гвинея мамлакатидеги маҳаллий таки тили саналади. Унда бор — 340 та сўз бор, холос. Айни вақтда инглиз, рус, немис, араб ва испан тилларида сўзлашаётган инсонларнинг ҳисоб-китобини қилиш амримаҳол. Хитойда инглиз тилида сўзлашувчилар сони Америка Қўшма Штатларидагидан кўпроқ экани ҳам бунинг исботидир.

Янги Гвинеяда атиги 4 миллион нафар аҳоли истикомат қилса-да, улар 800 та тилда гаплашади. Шунингдек, ана шу тилларнинг бирортасидаям 100 минг киши бир-бири билан мулоқотда бўлмайди.

Дунёдаги энг кам одам гаплашадиган тил — бикия тили. Бу тил фақатгина Африка қитъасининг Камерун ва Нигерия давлатлари ўр-ласидаги қишлоқда яшайди-ган 87 ёшли кампирга тегишли бўлган.

Сусами тилида Мировия ҳудудида истиқомат қиладиган икки оила аъзолари бир-бири билан ҳол-аҳвол сўра-шади.

Латвияда шундай тил бор-лики, уни фақат 200 нафар киши тушунади. Бу — ливон тилидир.

Оун фарбий септик тилида ҳозирча 384 киши мулоқотда бўлса, алфендио шарқий септик забони 633 инсонга тегишли экан.

Лилау ва сеймит тилларида 450 киши суҳбатлашар экан.

Кандас тилида Янги Ир-ландияда кўним топган 480 киши ўзаро "мулоқот" қилади.

Гарчи Таиландда асосий тил тай лаҳжаси бўлса-да, аҳолининг кўп қисми шевада суҳбатлашади. Тилшунослар уларнинг ичида лао, камму-анг ва пактай тилларини му-стакил, деб ҳисоблайди.

Жаҳонда кенг истеъмолдан чиққан ҳамда бутунлай йўқолиб кетган тиллар бе-ниҳоя кўп. Уларни тилшунос-лар иккига бўлиб ўрланади. Яъни ёзма нутққа эга бўлган ҳамда фақат оғзаки шакли бор "ўлик" тиллар.

Оғзаки нутққагина эга бў-либ, ҳозирда бутунлай йўқо-либ кетган тилларнинг сони номаълум. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ шаклига эга, бироқ ҳозир амалда мавжуд бўлмаган қадимий тиллар ҳам талайгина. Тилшунослик фанида бу каби тиллар "ўлик тиллар" деб аталади.

Улик тилларнинг энг буюк-лиридан иккитаси фан ола-мида жуда машҳур ҳисобла-нади. Улардан бири Ҳиндис-тондаги қадимий санскрит тили бўлса, иккинчиси замо-наввий тиббиёт ходимлари кенг истеъфода этакдан ло-тин тили ҳисобланади.

Кўпчилик дунёда хитой тили энг кўп тарқалган тил деб ўйлайди. Аммо бундай қараш нотўғри. Ер қурраси-даги энг кўп аҳоли яшайди-ган Хитойда 1 ярим милли-ардан ортиқ одам хитой тилида гаплаша-да, у бутун жаҳон бўйлаб кенг ёйилма-ган. Аслида бу бахт испан тилига насиб этган. Испан тилининг бу қадар оммалашиб кетишига машҳур сайёҳлар, денгиз қароқчилик ҳамда испаниялик мустамлакачи-лар сабабчи бўлган. Шуниси қизиқарлики, АҚШнинг 50 та штатидан 23 тасида дав-лат тили испан тили ҳисоб-лана, бор-йўғи 21 тасида-ган 87 ёшли кампирга тегишли бўлган.

Интернет материаллари асосида Ҳумоно МИРЗО тайёрлади.

## Қонунга беписанд муносабат

асло кечирилмайди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Аммо С.Шермаматова профилактика инспекторидан баённома тузмасликни талаб қилади ва "Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғи-нида яшовчи қўшниси, юқорида сизга таниш Н.Абдумуталовга кўнги-роқ қилиб, ёрдамга ча-қиради.

Н.Абдумуталов етиб келиб, инспекторга "сиз бу маҳалланинг профи-лактика инспектори эмассиз, маъмурий ба-ённома тузишга ваколатингиз йўқ", дейди.

А.Бурхоннов туман ИИБ бошлигининг қарори ижроси юзаси-дан тунги нав-батчиликни ўтаётгани-ни айтиб, хизмат фао-лиятига аралашмаслик-ни тўққунлик қилмас-ликни сўрайди.

Албатта, Н.Абдумуталов ҳокимият вакили-нинг қонуний талабини бажарганида, ҳеч кан-дай муаммога ўрин қол-масди. Аммо у профи-лактика инспекторини турли ноҳўя сўзлар билан ҳақорат қилади.

Яъни айни шу йўл билан ҳокимият вакили-нинг хизмат вазифаси-ни бажаришига фаол қаршилик кўрсатади. Ҳатто А.Бурхонновнинг қўлидан уяли алоқа те-лефон апаратини тор-тиб олади. Бунга ҳам қаноат қилмасдан эгни-даги хизмат кийими-нинг пагонини йиритиб ташлайди. Жабранув-чиға енгил тан жароҳа-ти етказди.

Туман суд-тиббий экспертиза бўлиминининг 286-сонли экс-пертиза ҳулосасида профилактика ин-спектори Алишер Бур-хонновнинг танасининг турли жойларида жа-

роҳатлар мавжуд бў-либ, улар ўтмас қаттиқ жисм таъсирида пайдо бўлгани, бу жароҳатлар "енгил тан жароҳатла-ри" гуруҳига кириши қайд этилган.

Суд дастлабки тер-гов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширил-ган судланувчи Н.Абду-муталовнинг айбини тасдиқловчи далиллар-ни мақбул далиллар деб эътироф этди. Суд-ланувчи Н.Абдумута-ловнинг жабранувчи-ни хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ҳақорат қилиш ва хизмат вазифасини бажарётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қар-шилиқ кўрсатиб, ўзининг хизмат вазифаси-ни бажаришдан воз кеч-ишга мажбур қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томони-дан Жиноят кодексининг 140-моддаси 3-қисми "а" банди ва 219-моддаси 2-қисми билан тўғри малака-ланган деб ҳисоблади.

Шундан келиб чиқиб, суд судланувчиға нисба-тан жазоларни қисман қўйиш йўли билан узи-лексил ўташ учун тўрт йил олти ой муддатга озод-ликни чеклаш жазоси тайинлади. Шу тариха жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Ҳулоса қилиб айтган-да, ҳаётда қонун талаби-га қатъий риоя этган киши ҳеч қачон кам бў-лмайди. Қонунга бепи-санд муносабат эса, те-гишли жавобгарликка сабаб бўлади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Баҳодир АХМЕДОВ, жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани судининг раиси

### Жиззахлик Салима

Самандарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) оила аъзолари билан Дўстлик тумани марказидаги савдо дўконига савдо-сотих қилади.

Якка тартибдаги тадбиркор турли харидорғир маҳсулот ва буюмларни олиб келиш, эрта тонгдан то одамларнинг оёғи босилгунча дўконда савдо қилиш ортидан-топаётган ҳалол дарома-дининг бир қисмини фарзандла-рининг тўй харажатларига ишла-тиш учун йиғайтган эди. Аниқроқ айтганда, 35 миллион сўм ва 26 миллион 500 минг сўмлик 13 донна тилла тақинчоқларни уйдаги темир сейфда сақлаётганди. Сейфнинг калитини ҳар доим ўзи билан олиб юрарди.

Шу йил май ойида дўконни ёпа-ётган чоғида у сумкасида сейф калити йўқлигини пайқаб қолди. "Дўконда тушган бўлса керак. Эр-тага топарман", деган ўйда уйига келди. Аммо эртаси кун дўкон-дан калитни тополмади. Шу боис уни қидириш учун қизи Холида билан одатдагидан эртароқ уйи-га қайтди. Уйининг эшиги очик эканига кўзи тушиб, юраги "шуш" этди. Чунки эри ва ўғиллари дў-конда қолишган эди. Хавотири бе-корга эмас экан — темир сейф-нинг эшиги ҳам ланг очик эди...

С.Самандарованинг уйда со-дир бўлган ўғилри жинояти ҳақи-даги хабарни эшитгач, туман ич-ки ишлар бўлими ходимлари дарҳол суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Ўғирликка алоқадор ҳар бир ҳолат синчиқлаб ўрганилди. Шунда уларнинг эъти-бори муқаддам икки марта ўғир-лик жинояти содир этиб, судлан-ган Йўлдош Қўлдошев ва бир мар-та босқинчилик жинояти учун тай-инлаган жазони ўтаб чиққан Баҳ-ром Эрназаровга нисбатан қара-тилди. Бу бежизга эмас эди.

Гап шундаки, жиноят содир этилган кун уларнинг С.Саман-дарова яшайдиган ҳовли атро-фида келишгани уйға ўрнатилган видеокамера тасвирига тушган. Қолаверса, суриштирув асноси-да оиланинг тўнғичи Ҳикматил-ла жиноят рўй беришидан бир кун олдин устачилик билан шуғул-ланадиган ўртоғи Йўлдошга кўн-ғироқ қилиб, дўкондаги кўчиб тушган кафелларни қайта ёпиш-тириб беришни сўрагани маъ-лум бўлди. Эртаси кун дўконга келган Йўлдош ишга киришади. Тушга яқин Ҳикматилла қовун сў-йиб, уни ҳам дастурхонга таклиф қилади. Бироқ Йўлдош "бироз

### Жиноят ва жазо

## Нафс қоққони

у икки нафар ёш йигитни тузоққа туширди



олдин сув ичгандим", дея так-лифни рад этади ва Ҳикматил-ланинг "Дамас" русумли автома-шинаси салоинида ўтириб, қўшиқ эшитишди. Таъмир ишларини ту-гатгач, Й.Қўлдошев уйига қайтиб кетади.

Аслида ўша кун Иўлдош "Да-мас" да мусика тинглаб ўтирган чоғида ўриндик остида турган С.Самандарованинг сумкасини титқилаб кўраётиб, калитларга кўзи тушган. "Тажрибали" ўғри уларнинг ичидаги сейф калити-ни дарҳол ажрата олган ва уни чўнтағига яширган. Кечки пайт ҳамтовови Б.Эрназаровга бу ҳақида айтган. Шундан сўнг улар ўғирлик режасини тузишган ва эртаси кун соат ўнлар чамаси-да С.Самандарованинг уйига ке-лишган. Йўлдош кўчада қолиб, ат-рофни кузатиб турган. Б.Эрназар-ров эса, ғайриқонуний равишда ичкарига кириб, темир сейфни калит билан очиб, пул ва тилла та-қинчоқларни олиб чиққан. Хилват жойда ҳамтововлар ўғирланган ўлжани бўлиб олишган. Йўлдош ўтган йилнинг февраль ойида М.Султоновга тегишли савдо дў-конидан пулини бўлиб-бўлиб тў-лаш шарти билан 3 миллион 600 минг сўмга музлаткич сотиб ол-ган эди. Уша пайтда дўкон эгаси телефонда Йўлдошга тўловни ке-чиктириб юбораётганини эсла-тиб қолади. Қўлида ўғирланган мўмай пул бўлган Йўлдош шартта дўконга бориб, музлаткич ҳақини тўлайди. М.Султонов қарз тўлан-

гани ҳақидаги маълумотни сана-сини кўрсатиб, "Олди-берди" дафтарига эзиб кўяди.

Биринчи босқич суди судла-нувчи Й.Қўлдошевни Жиноят ко-дексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор топиб, 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қи-лиш жазоси тайинлаган. Б.Эрна-заровга эса, Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "б, в, г" бандларига асосан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазо-си белгиланган.

Яқинда вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида мазкур жиноят иши қайта кўриб чиқилди. Суд биринчи босқич судининг ҳукми-ни ўзгартирмас, апелляция ши-коятини қаноатлангирмаслик ҳақида ажрим чиқарди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бу дунёда бировнинг бой-лиги ҳеч қачон ўзига буюрмаган. Ҳаётда жуда кўп мартаба исбот-ланган бу ҳақиқат бу гал ҳам яна бир қарра юз кўрсатди. Ўғирлик-га қўл урган жиноятчиларга нис-батан қонуний ва адолатли жазо тайинланиб, жазонинг муқаррар-лиги таъминланди. Нафс кутқуси-га учган ҳамтововлар энди умр-ларининг айни нақвирон чоғини темир панжара ортида ўтказди.

Ғиёсийддин ЯЛҒАШЕВ, Жиззах вилояти судининг судьяси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" мухбири

## Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ Бахтиёр ИСАКОВ
Робохон МАХМУДОВА Холмўмин ЕДГОРОВ
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-1115 Қроғ бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4465. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.